

ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР ФАОЛИЯТДА “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ”
ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, ТУШУНЧАСИ
ВА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Маманов Сардоржон Собир ўғли,
*Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши
курашиши агентлиги бош инспектори,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация: Мазкур мақолада давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг жорий этишининг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш босқичлари, тушунчаси ҳақида илмий маълумотлар берилган. Ушбу қараишларни ёритишда муаллиф турли олим ва амалиётчи мутахассислар билан илмий мунозарага киришади ва якуни бўйича ўзининг муаллифлик қараишларини акс эттирган.

Калит сўзлар: давлат ва хусусий сектор, “комплаенс-назорат”, ривожланиш тарихи, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, комплаенс сиёсати.

РАЗВИТИЕ, ПОНЯТИЯ И ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ
«КОМПЛАЕНС- КОНТРОЛЯ» В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОГО
И ЧАСТНОГО СЕКТОРОВ

Маманов Сардоржон Собир угли,
*Главный инспектор Агентства по противодействию
коррупции Республики Узбекистан,
доктор философии (PhD) по юридическим наукам*

Annotation: В данной статье представлена научная информация об особенностях, этапах развития, понимании системы «жалоба и лечение» против коррупции в деятельности государственного и частного сектора. Излагая эти взгляды, автор вступает в научную дискуссию с различными учеными и практиками и в конце отражает свою авторскую точку зрения.

Ключевые слова: государственный и частный сектор, «комплаенс-контроль», история формирования, международно-правовая база, комплаенс политика.

DEVELOPMENT, CONCEPTS AND ISSUES OF IMPLEMENTATION
OF “COMPLIANCE CONTROL” IN THE ACTIVITIES OF THE PUBLIC
AND PRIVATE SECTORS

Mamanov Sardorjon Sobir ugli,
*Chief Inspector of the Anti-Corruption
Agency of the Republic of Uzbekistan,
doctor of philosophy (PhD) on science in law*

Annotation: *This article presents scientific information on the features, stages of development, understanding of the system of “compliance control” against corruption in the activities of the public and private sectors. In presenting these views, the author enters into a scientific discussion with various scientists and practitioners and in the end reflects his own point of view.*

Keywords: *public and private sector, compliance control, history of formation, international legal framework, compliance policy.*

Дунёда коррупцияга оид жинойтлар кўлами йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ушбу соҳада “комплаенс-назорат” (compliance control) тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим эканлигидан бермоқда. Таҳлилларга кўра, ҳозирда коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари **3 триллион** АҚШ доллариға яқин миқдорни ташкил қилмоқда, унинг салкам **1 триллион** АҚШ долларини айнан пора бериш ва олиш ҳолатлари ташкил этади. Бунда, глобал миқёсда коррупция туфайли давлат харидлари фондларининг **25 фоизгача** қисми йўқотилади.

Ўз навбатида, ушбу рақам жаҳон ялпи ички маҳсулотининг **5 фоизини** ташкил этиши коррупцияга қарши курашиш ишларининг салбий ҳолатда сақланиб қолаётганлигидан далолат беради.

Бу борада, 2000 йиллар ўрталарида Volkswagen, Daimler, Siemens Odenbrecht, Petrobras, Samsung Group, Hyundai Motor каби иқтисодий жиҳатдан йирик халқаро компаниялар фаолиятида коррупцияга оид низоларнинг юзага келиши уларнинг ички тизимида коррупцияга қарши курашиш механизмларининг мустаҳкам эмаслиги исботлади, бу эса давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимларини жорий этиш зарурлигини тақозо этди.

Буларнинг барчаси, халқаро майдонда ушбу соҳани такомиллаштириш орқали коррупциянинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини кўрсатиб бермоқда. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижобий ютуқларга эришган давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, асосий эътибор коррупция кўринишларининг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқараётган шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган, бу, албатта, ўз самарасини берганини амалда кўриб турибмиз.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимининг институционал асослари яратилиб, фаолиятнинг ҳуқуқий асослари такомиллашмоқда. Давлат ва хусусий сектор фаолиятини халқаро стандарт ва замонавий унсурларга мувофиқ самарали ишлашини таъминловчи

профилактик воситалардан бири коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини **(anti-corruption compliance control)** ўз таркибида ташкил этиш ҳисобланади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат органлари ва ташкилотлари кесимида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга доир алоҳида чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли Қарори билан 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси белгиланган.

Шунга кўра, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига **117 та** давлат органлари, ташкилотлари ва банкларда **1 284 нафар** штат бирлигидан иборат коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилган бўлса, **190 та** давлат идоралари ва давлат иштирокидаги корхоналарда коррупцияга қарши курашиш тизими яратилди.

Хусусан, 48 та республика давлат бошқарув органлари ва улар таркибидаги ташкилотлар, 29 та хўжалик бошқарув органлари, 11 та тижорат банклари, 13 та маҳаллий ҳокимликлар ва 10 та бошқа давлат ташкилотлари улушига тўғри келмоқда [1, электрон манба].

Бу каби омиллар, миллий амалиётнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишида долзарб мавзуга айланаётган “комплаенс-назорат” тизимининг ташкилий-ҳуқуқий, илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштириш зарурати яқин вақтдаги илмий долзарбликлардан бири эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга айтиш лозимки, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Туркия, Сингапур, Малайзия, Бразилия, Словения, Қозоғистон каби қатор хорижий давлатларда мазкур тизим коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги асосий чора сифатида эътироф этилган [2, Б. 60]. Ушбу давлатларда “комплаенс-назорат” тизимининг жорий этилиши, ташкилотларнинг фаолият йўналишларига қараб мажбурий аҳамият касб этади.

Мисол учун, **Францияда** 50 млн. евродан ортиқ капиталга эга бўлган давлат корхоналарида “комплаенс-назорат” тизими жорий этилган бўлиши шарт [3, электрон манба] ёки **Буюк Британиянинг** 500 млн фунт стерлинг капитали бўлган 700 дан ортиқ давлат улушига эга корхоналарида ташкил этилган ушбу тизим турли коррупциявий хавф-хатарлардан ҳимоя қилувчи комплекс чоралар сифатида қўлланилмоқда. Ёки бўлмаса, **“Baker and McKenzie”** халқаро юридик компаниясининг маълумотиغا кўра 150 дан ортиқ давлатларда ва 5000 мингдан ортиқ компанияларда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими жорий этилган [4, электрон манба].

Кўриб турганимиздек, халқаро тажриба ва хорижий давлатлар амалиётида “комплаенс-назорат” тизими муҳим ўрин тутувчи омиллардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда, унинг тушунчаси, ривожланиш босқичлари, жорий этиш моделлари

ва умуман илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунга кўра, давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг вужудга келиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қуйидагича тўхталиш мумкин.

“Комплаенс-назорат” тизимининг вужудга келиш тарихи XIX аср охири XX аср бошларига тўғри келади. Америкалик эксперт **Martin Kling** халқаро тажрибада коррупцияга қарши курашишда муҳим профилактик чора ҳисобланган ушбу тизим пайдо бўлишининг дастлабки асослари XIX аср охирида Европада, хусусан, 1884 йилда Германияда “Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва суғурталаш Ассоциацияси”нинг (Accident Prevention & Insurance Association) [5, Б. 31] ташкил этилиши билан боғлиқдир, дейди.

АҚШнинг Колгате университети (Colgate University) профессори **M. Djonson** бу жараёнда жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган компаниялар нафақат қонунчилик, балки бизнес юритиш қоидалари ва технологик тараққиётнинг йўналишларини назорат қилувчи аниқ қоидалар, норма ва стандартларга мувофиқ ўз фаолиятларини ташкил этиш давр заруриятига айланиб борганлигини ўз илмий қарашларида келтириб ўтади [6, Б.178].

Олим томонидан мамлакатда дори воситалари ва озиқ-овқат саноати соҳаси иштирокчилари учун риоя этилиши мажбурий бўлган қоидаларни жорий этилиши натижасида компанияларда “комплаенс-назорат” тизими элементлари юзага келганлиги кўрсатилади.

Профессор Э.Иванов “БРИКСга аъзо бўлган давлатлар тажрибасида антикоррупциявий “комплаенс-назорат” (Anti-corruption compliance in BRICS countries) монографиясида ушбу тизимнинг чинакам ривож топишини XX асрнинг 70 йиллари билан боғлаб ўтади [7, Б.57]. Бу даврда, АҚШнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши ва халқаро алоқаларда интеграциялашуви мамлакат ҳаётида иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қаратилган компания ва корпорацияларнинг ташкил этилишини, уларнинг фаолиятида коррупцияга қарши профилактик чоралар жорий этишни

заруриятга

айлантирди.

Бу даврда АҚШда 40 мингдан ортиқ корпорация ва компаниялар халқаро бозорда иқтисодий муносабатларни амалга оширар эди [8, Б 251].

Шу билан бирга, профессор Б.Исмаилов ўтган асрнинг иккинчи ярмидан Volkswagen, Daimler, Siemens (Германия) Odenbrecht, Petrobras (Бразилия), Samsung Group, Hyundai Motor Co. (Корея Республикаси), BAE Systems (Буюк Британия), Baker Hughes Inc, Panalpina World Transport (АҚШ) каби йирик компаниялар билан боғлиқ коррупциявий низоли вазиятларни юзага келиши улар фаолиятидаги коррупцияга

қарши курашиш механизмларининг мустаҳкам эмаслиги билан асосланади ва бу ўз даврида коррупцияга қарши мавжуд тизимни тубдан ислоҳ этилишига олиб келганини кўрсатиб ўтади.

Ўз-ўзидан даврий шаклланиш натижасида коррупцияга қарши курашишга оид қоидалар йиғиндиси “комплаенс-назорат” тизимини босқичма-босқич юридик нормалар билан тартибга солишни тақозо қилди. Натижада ушбу тизим дастлаб АҚШ қонунчилигида мустаҳкамланди ва ушбу йўналишни юридик жиҳатдан тартибга солган дастлабки қонун ҳужжати 1977 йилда “Хорижий давлатларда коррупциявий амалиётлар тўғрисидаги Акт” (**Foreign Corrupt Practices Act, 1977, FCPA**) қонунидир. Қонунда АҚШ компанияларининг “комплаенс” талаблари билан боғлиқ қатъий назорат қоидалари ўрнатилди, яъни бухгалтерия ҳисоби назорати ва молиявий ҳужжатларга қўйиладиган аниқ талаблар жорий этилди, давлат амалдорлари билан алоқалар бўйича қатъий қоидалар киритилди.

Умуман олганда, иқтисодий жиҳатдан ривожланиш босқичида бўлган давлатлар ва улардаги хусусий сектор иштирокчилари фаолиятида коррупцияга оид низолар, муаммоларнинг пайдо бўлишини коррупцияга қарши курашишда муҳим профилактик омиллардан бири ҳисобланган “комплаенс-назорат” тизимининг юзага келиш заруриятлари сифатида қарасак, тўғри бўлади.

Ўз навбатида, давлат ҳокимияти ушбу жараёнларнинг тартибга солувчиси сифатида ҳар бир корхона фаолиятида ўз-ўзини хавфлардан тозалаш, уларнинг даражасини минималлаштиришга қаратилган бу каби тизимларни жорий этган ҳамда уларни юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб борган, дейишимиз ўринли бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими дастлаб АҚШда вужудга келган ва босқичма-босқич вақт нуқтаи-назаридан аниқ қоидалар асосида тартибга солиниб, ривожланиб борди. Ушбу тузилма коррупция хавф-хатарларини

ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, коррупция хавфини минималлаштиришга хизмат қилувчи самарали механизмлар мажмуи сифатида ташкилотлар фаолиятига жорий этилди.

Шу билан бирга, “комплаенс”, “комплаенс-назорат” терминологияси илмий асосларга кўра маълум маъно касб этади ҳамда ушбу тизимнинг яхлитлигини ташкил этувчи муҳим асос саналиб, мазмун-моҳиятини очиб беришда алоҳида аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, бу тушунчанинг илмий-назарий омилларини тадқиқ этилишини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ, ушбу йўналишни илмий жиҳатдан тадқиқ қилган олим, мутахассис ва тадқиқотчиларнинг илмий қарашлари;

Иккинчи гуруҳ, ушбу йўналишни юридик жиҳатдан тартибга солишга қаратилган халқаро стандарт (ISO 37001 — Anti-bribery management systems, “ISO 19600:2014

Compliance management systems - Guidelines", ISO 37301:2021 Compliance management systems – Requirements) ва ташкилотларнинг тавсиялари ҳисобланади.

Ушбу мавзунинг тадқиқ этган хорижий олимлар ва экспертлар қарашларида ҳамда адабиётларда акс этган илмий мавзуларда “комплаенс-назорат” тизими тушунчасини ёритишга доир қатор илмий таърифлар мавжуд. Мазкур тизимнинг илмий асосларини ёритиш ва унинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишда олимлар J.Marvil, J.Burgdoyerfer, P.Pererva, G.Kozitskiy, Emil Moschella, Donna Boehme, И.Бурдикова, Э.Иванов, А.Тимошкин, Л. Ложкиналарнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади.

Жумладан, АҚШлик **J.Marvil** ва **J.Burgdoyerfer**ларнинг “Хусусий компанияларда “комплаенс” дастури” (Compliance Programs for Private Companies) номли илмий мақоласида ушбу тушунчага “розилик, мувофиқлик ҳамда хусусий сектор фаолиятини аниқ белгиланган қоида, кўрсатма, тавсияларга мувофиқ ташкил этиш”, дея кўрсатилади [9, Б 534].

Мазкур йўналишда салмоқли изланишлар ўтказган украиналик олимлар **P.Pererva** ва **G.Kozitskiy, M.Somos**ларнинг “Комплаенс дастури” (Compliance Program) дарсликда “комплаенс-назорати” давлат корхоналари ва хусусий сектор субъектлари фаолиятини халқаро стандарт, меъёрий ҳужжатларда белгиланган талаб ва ички идоравий қоидалар асосида ташкил этишдан иборат бўлган ички идоравий назорат механизмлари мажмуидир [9, Б 75] дейилади. Ёки бўлмаса, мазмунан яқин бўлган илмий таърифни француз “комплаенс” экспертлари **Emil Moschella** ва **Donna Boehme**лар келтириб ўтади [10, Б.49].

Олим Av. Ergys Misha ўзининг илмий мақоласида ушбу тушунчани ёритишда кўпроқ “комплаенс”ни хусусий ва банк секторида жорий этилишига урғу беради ва унга коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишда ташкилотнинг аниқ тартибга солинган қоидаларидир дея унинг зарурий элементларини санаб ўтади. Бизнинг фикримизча, олимлар томонидан тушунча мазмунини очиб бериш ва самарадорлигини таҳлил қилишда ундаги энг муҳим ва асосий жиҳатларга тўхталиб ўтилганлигидир.

Юқорида ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борган олимлар ҳамда амалиётчи экспертларнинг илмий қарашлари, назарий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда шартли равишда биринчи гуруҳ сифатини тоифалаш мақсадга мувофиқ бўлади дейиш мумкин.

Ўйлашимизча, ушбу йўналишни тадқиқ этган олим ва экспертлар “комплаенс-назорат”ни таърифлашда илмий мазмун ва шакл жиҳатидан нисбатан бир-бирига жуда яқин бўлган қарашларни ифода этганлар. Ушбу фикрлардаги ўхшаш жиҳатлар орқали кўпроқ бир томонлама маъно, яъни фаолиятни аниқ белгиланган қоидалар ва нормалар орқали тартибга солиш ёки бўлмаса, уларга мувофиқ ташкилот

фаолиятини коррупцияга қарши курашиш қоидаларига уйғун равишда мослаштириш назарда тутилади.

Бу ўринда, тушунчанинг мазмун ва мақсадини ёритишда иккинчи гуруҳ тоифага соҳани юридик жиҳатдан тартибга солишга қаратилган стандарт ва халқаро ташкилотларнинг тавсияларини киритишимиз мумкин.

Бу ўринда, тушунчанинг мазмун ва мақсадини ёритишда иккинчи гуруҳ тоифага соҳани юридик жиҳатдан тартибга солишга қаратилган стандарт ва халқаро ташкилотларнинг тавсияларини киритишимиз мумкин. Хусусан, соҳани халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган тавсиялар мавжуд бўлиб, улардан бири

“ISO 19600:2014 мувофиқликни бошқариш тизимлари – Йўриқномалар”дир. Унда “комплаенс” маълум давлат ташкилоти ёки хусусий сектор иштирокчилари томонидан умумбелгиланган қонун нормалари ва қоидалар асосида ишлаб чиқилган ва шу ташкилот ходимлари риоя этиши мажбурий бўлган талаблар, ички қоидалар, тасдиқланган стандартлар асосида фаолиятни ташкил этиш ва асосий вазифаси превентив чораларни ўзида мужассам этган тизим, дея таърифланади. Соҳани тартибга солишга қаратилган кейинги ишлаб чиқилган халқаро стандарт ISO 37301:2021 “Комплаенс”ни бошқариш тизими – фойдаланиш бўйича тавсия ва талаблар” ҳисобланади. Мазкур стандартда “комплаенс” тушунчаси фаолият тури, ҳажми ва хусусиятидан, давлат, хусусий ёки нотижорат секторида бўлишидан қатъий назар, барча турдаги ташкилотлар фаолиятида коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш, ишлаб чиқиш, жорий этиш, баҳолаш, сақлаш ва такомиллаштириш бўйича қоидалар мажмуидир, дея таърифланади.

Кўриб турганимиздек, олимларнинг илмий мулоҳазалари ва таърифларида тушунчани ёритишда унинг сўзма-сўз таржимаси қатор соҳаларда кенг қўлланилаётгандаги моҳиятини тўлиқ очиб бермаган, дейиш мумкин. Хусусан, “комплаенс-назорат” тизимини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятига, асосан, фаолиятни ҳар қандай тартиб ва қоидалар асосида эмас, балки аниқ стандарт, тавсия, соҳага доир қонун ҳужжатлари

ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ёки локал қоида ва бошқа муҳим талабларга мувофиқ ташкил этишда намоён бўладиган тизим эканлигини кўришимиз мумкин.

Бизнинг ёндашувимизга кўра эса, тадқиқ этилган илмий асослардан келиб чиқиб, “комплаенс” тушунчасининг асосий концепциясини ўзбек тилига “фаолиятни умумъэтироф этилган стандарт, тавсия ҳамда соҳага доир қонун, қонуности ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш ва мунтазам самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш” ёки “умуммажбурий талаблар”га мувофиқ фаолият юритишни таъминлаш бўйича барча мажбуриятларни бажаришдир”, дея талқин қилиш ўринли бўлади.

Шу билан бирга, юқорида айтилганидек, бугунги кунда коррупцияга қарши курашишга доир миллий амалиёт ва қонунчиликда янги превентив чора сифатида кириб келган ушбу тизимнинг айрим жиҳатлари бир неча қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган. Бироқ, ҳозиргача миллий қонунчилик ва илмий доирада унинг мазмунини ёритиш жараёнларида норматив ва методологик жиҳатдан мустаҳкамланмаган. Бу эса, табиийки, ташкилотлар фаолиятида такомиллашиб бораётган тизимнинг келгусидаги ривожига салбий таъсир қилувчи омил саналади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тушунчага миллий қонунчилик ҳужжатлари ва илмий ёндашувлар асосида илк маротаба қуйидаги **муаллифлик таърифи** ишлаб чиқилди.

“Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими – давлат идоралари ва хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва хусусий сектор фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупциявий хавф-хатарлар ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган тизимдир”.

Шунингдек, коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этишдан мақсад деб эса, ташкилотда коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO37301:2021 халқаро стандарт талабларига жавоб берувчи коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, ташкилот тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ташкилот тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат деган хулосага келиши мумкин.

Айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида бир қатор асосий тушунчалар берилган бўлса-да, бироқ улар қаторида унинг таърифи берилмаганлиги каби жиҳатлар асосида ушбу модданинг асосий тушунчалар қаторида, коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими қўшимча тушунча сифатида киритиш таклиф этилиш этиш ўринли бўлади. Бунинг натижасида, миллий қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш имконияти яратилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими дастлаб АҚШда вужудга келган бўлиб, у коррупциявий хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, коррупция хавфини минималлаштиришга хизмат қилувчи самарали механизмлар мажмуидир. Давлат ва

хусусий сектор фаолиятида мазкур превентив тизимнинг жорий этилиши дунёда кенг қўлланилаётган халқаро моделлар асосида ташкил этилади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг расмий веб-сайти маълумоти [Электрон манба]. URL: <https://anticorruption.uz/uz/komplaens-nazorat>
2. А. Бурханов, С. Маманов, Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш бўйича қўлланма (янгиланган нашр) – Тошкент: Baktria press, 2022 – 60 б, [Электрон манба]. URL: [https:// anticorruption.uz/ upload/document/design_izm .pdf](https://anticorruption.uz/upload/document/design_izm.pdf)
3. KPMG компанияси халқаро эксперт И.Бурдикова томонидан тақдим этилган маълумот [Электрон манба]. URL: [https://kpmg.com /uz/ru/ home/ insights/2021/02/kpmg-in-uzbekistan.html](https://kpmg.com/uz/ru/home/insights/2021/02/kpmg-in-uzbekistan.html)
4. Investigations, Compliance & Ethics by Calibrate Risk Globally. [Электрон манба]. URL: <https://www.Bakermckenzie.com/en/expertise/practices/investigations-compliance-ethics>
5. Martin Kling “History of Compliance - Part 1 “From Adam to Sarbanes Oxley”, 2017 // [Электрон манба]. URL: <https://www.ariscommunity.com>
6. M. Johnston “Syndromes of compliance” Colgate University, New York. Publisher: Cambridge University Press; Online publication date: September 2009 // [Электрон манба]. URL: <https://www.cambridge.org>
7. E. Ivanov Anti-corruption compliance in BRICS countries//Антикоррупционный комплаенс-контроль в странах БРИКС//Монография. -М.: Юриспруденция, 2015. // [Электрон манба]. URL: <http://files.sudrf.ru/774>
8. The Ultimate List of Compliance Program Statistics// [Электрон манба]. URL: [https://www. navexglobal.com](https://www.navexglobal.com)
9. Jeff J. Marwil and Jerry J. Burgdoerfer “Compliance Programs for Private Companies” August 2016 // [Электрон манба]. URL: <https://jenner.com/system>
10. Prof. Pererva P., Kocziszky Gy., Somosi M. “Compliance Program”-Kharkiv-Miskolc-2019 // [Электрон манба]. URL: <http://web.kpi.kharkov.ua>
11. Emil Moschella and Donna Boehme “The Private Sector as a Model for Government Compliance and Ethics Programs” 12 October 2010 // [Электрон манба]. URL: <http://compliancestrategists.com>